ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚИ

Мамажонов З. Мумтоз шеърий санъатларнинг назарий таснифи. – Т.: Академнашр, 2016.- 184 б.

Мумтоз адабиётшуносликда шеърни санъат ҳодисасига айлантирувчи воситалар – шеърий санъатларни ўрганувчи алоҳида илм соҳасининг шаклланганлиги шеършунослик да бадиият масаласининг муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Шеърий санъатлар шунчаки шеърнинг ташқи зебу зийнати эмас, балки шоир ва шеърхон қалбини боғловчи ришта, ижодкор ҳис-туйғуларининг ўқувчи қалбига кириб боришида асосий воситалардан биридир. Бадиий санъатларни махсус ўрганиш масаласи қадимдан мавжуд ва шу билан бирга, XX аср бошларига келиб А.Фитрат, А.Саъдий, кейинроқ М.Шайхзода, А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, А.Абдуғафуров, А.Ҳожиаҳмедов, В.Раҳмонов каби адабиётшунослар ҳам бу соҳада катта ишларни амалга оширдилар. Бир қарашда номлари зикр этилган олимлар илми бадеъ билан боғлиқ барча ишларни амалга ошириб бўлгандек, бу соҳада яна изланишлар олиб боришга зарурат йўқдек туюлади. Бироқ Зокиржон Мамажоновнинг “Мумтоз шеърий санъатларнинг назарий таснифи” монографиясини мутолаа қилган киши ҳали бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар, аниқлик киритилиши лозим бўлган муаммолар анчагина эканлигига ишонч ҳосил қилади. Муаллиф мазкур масалада яратилган қатор адабиётларни қиёслар экан, улардаги бир-бирини инкор қилувчи фикрлар, шеърий санъатларни номлаш, тавсифлаш ва таснифлаш масаласидаги тафовутларни аниқ мисоллар билан кўрсатиб беради, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлайди. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги ўзининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Монографияда билдирилган мулоҳазалар, янгиланган адабий-назарий қарашлар асосидаги таклифлар шеърий санъатлар ҳақидаги илм доимий янгиланишда эканини, мазкур соҳа ҳам янгича қарашларга, умуман, янгиланишга муҳтож эканлигини кўрсатади. Асрлар давомида шаклланиб, санъат даражасини эгаллаган бадиият воситаларини чуқур ўрганганлиги, унга доир бир қатор назарий-илмий тадқиқотларни синчковлик билан кузатганлиги, масалага ҳолислик билан ёндашиб, бу соҳада изланишлар олиб борган анчайин салобатли олимлар билан илмий этикет доирасида баҳсга кириша олганлиги муаллифда танқидий фикрлашнинг камол топганлигидан, баҳслашиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш маданиятининг шаклланганлигидан далолат беради.

Зокиржон Мамажонов ўз олдига жуда жиддий ва нозик муаммони вазифа қилиб қўяди. Аввало, айрим шеърий санъатларнинг манбалардаги номланиши, ёзилиши, тавсифланиши масалаларидаги муаммоли нуқталарни қиёсий ўрганиш асносида бу борадаги мавжуд қарашларни маълум тартибга солиш заруратини ҳис қилади. Шеърий санъатларни таснифлаш масаласида ҳам ўтмишдаги ва замондош олимларнинг қарашларини қиёслар экан, бу масалада ҳам қатор ноаниқликлар анъанавий тарзда сақланиб қолаётганини мавжуд манбалардан олинган иқтибослар ёрдамида асослаб беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шеърий санъатларнинг муаллиф тақдим қилаётган мезон асосидаги, яъни юзага келиш асоси нуқтаи назаридан амалга оширилган таснифи шу пайтгача мавжуд адабиётларнинг ҳеч бирида учрамайди. Эътиборга лойиқ жиҳати шуки, монографияда бу таснифшунчаки тақдим қилинмай, ўзигача мавжуд таснифларнинг замонавий назарий қарашлар нуқтаи назаридан заиф томонларини аниқлаш ва тавсия қилинаётган янгича таснифнинг афзалликларини кўрсатиб бериш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, шеърий санъатлар тизимида, умуман, образлиликнинг юзага келишида ўхшатишнинг ўрни ва аҳамияти масаласига алоҳида аҳамият берилганлиги, ўхшатиш ва унинг асосида юзага келувчи қатор санъатларнинг структуравий ва функционал хусусиятлари ҳам алоҳида илмий муаммо сифатида тадқиқ қилинганлиги ишнинг алоҳида ютуқларидан бири сифатида эътироф этилиши мумкин.

Зокиржон Мамажонов ўз қарашларини гарчи ҳар бири икки фаслдан иборат тўртта бобга ажратган ҳолда тақдим қилса ҳам, масалага доир муаммони яхлит ҳолда тасаввур қила олгани кўриниб турибди. Тадқиқотчи мазкур иши билан мумтоз адабиётшунослик, хусусан, илми бадеъ ривожига катта назарий ва амалий ҳисса қўша олган дейишга тўла асослар мавжуд. Шарқ мумтоз поэтикасини янгича кўз билан, янгича нигоҳ билан ўрганишга киришган муаллиф ундаги жозиб сифатларни топа олган ва илми бадиъ соҳасининг тараққиёти учун дадил қадам ташлаган деб ўйлаймиз. Унда билдирилган фикрлар, асосий хулосалар ҳозиргача давом этиб келаётган кўплаб илмий ноаниқ-

ликлар ва муаммоларни узил-кесил ҳал қилиб бериши билан алоҳида аҳамият касб этади ва соҳага оид амалга оширилаётган тадқиқотларда ҳам, адабий таълимда ҳам кўпгина чалкашлик ва тафовутларни бартараф этишга амалий жиҳатдан ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Баҳром Жалилов
филология фанлари номзоди, доцент